



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ ЎРНИ ВА ШАҚЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Есемуратова Сахибжамал
Қорақалпоқ давлат университети,
PhD

Аннотация. Мақолада дунёда фуқаролик журналистикасининг вужудга келиш тенденциялари ўрганилган. Шунингдек, Қорақалпоғистонда ҳам блоггининг ривожланиши, уларнинг контенти таҳлил қилинган. Қорақалпоғистонда фуқаролик журналистикасининг шаклланиш ва ривожланиш bosqichlariga ажратилган.

Калит сўзлар: фуқаролик журналистикаси, блоггинг, блог, блогер, ижтимоий тармоқ, контент.

Аннотация. В статье рассматриваются тенденции возникновения гражданской журналистики в мире. Также было проанализировано развитие блоггерства в Каракалпакстане и их содержание. Поделена на этапы становления и развития гражданской журналистики в Каракалпакстане.

Ключевые слова: гражданская журналистика, блоггинг, блог, блоггер, социальная сеть, контент.

Abstract. The article examines the trends in the emergence of citizen journalism in the world. Also, the development of blogging in Karakalpakstan and their content were analyzed. It is divided into stages of formation and development of citizen journalism in Karakalpakstan.

Keywords: citizen journalism, blogging, blog, blogger, social network, content.

1969 йили дунё миқёсида Интернет пайдо бўлган бўлса¹, 1990 йилларнинг бошларида Ўзбекистонга, жумладан Қорақалпоғистонга ҳам кириб келди². Интернетнинг юзага келиши фуқаролик журналистикасининг янги кўриниши бўлган онлайн фуқаролик журналистиканинг вужудга келишига ва унинг янада ривожланишига асос солди. К.А.Карякина³ фуқаролик журналистикасининг ривожланишида ижтимоий медиа ўзининг янги интерактив муносабатни талаб этадиган механизмнинг таъсири бор деб ҳисоблайди. Қорақалпоғистонда онлайн фуқаролик журналистикаси қорақалпоқ тилидаги дастлабки блогларнинг яратилиши билан юзага келди. Бу ҳақида Ф.ф.ф.д. (PhD) Қ.Бегниязова: «Журналист Б.Тилеўмуратовнинг www.kkreporter.uz блогида янгиликлар ва

¹ Тарасенко П.Н. Особенности и специфика функционирования интернет-сМИ испании на современном этапе. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: 2013. – С. 3.

² URL: http://old.mtc.uz/uz/press_center/history_communications/1008. (Силтеме алынган сәне: 21.12.2020).

³ Карякина К.А. Актуальные формы и типологические модели новых медиа // Вестник МГУ. Сер. 10. Журналистика. 2010. № 3. – С. 129.





таҳлилий мақолалар киритилган. Бу ҳолат Қорақалпоғстон интернет журналистикасида ҳам фуқаролик журналистикасининг шакллана бошлаганлигидан дарак беради»⁴.

Дунё миқёсида илк веб-блог Тим Бернерс-Ли томонидан 1992 йили яратилган бўлса⁵, Қорақалпоғистонда дастлабки блог орадан 17 йил ўтиб, яъни, 2009 йили Б.Тилеўмуратов томонидан яратилди⁶. Демак, Қорақалпоғистонда фуқаролик журналистикасининг интернетдаги фаолияти 2009 йиллари пайдо бўлган дейиш мумкин. Қорақалпоғистондаги фуқаролик журналистикасининг ривожланиши албатта, дунё давлатларидаги фуқаролик журналистикасининг шаклланиш ва ривожланишининг таъсирида амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, дунё мамлакатларидаги фуқаролик журналистикасининг пайдо бўлиш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлишига сабаб бўлган воқеалар негизда ўрганиб чиқишни мақул деб билдик. Дунё олимлари фуқаролик журналистиканинг юзага келиш тарихи ва ривожланиш босқишлари ҳақида ҳар хил фикрларни билдиришади. Масалан, фуқаролик журналистикасининг замонавий кўриниши АҚШда 1988 йилда юзага келган. Мамлакатдаги президент сайловларида фуқароларнинг иштироки, сиёсий муаммоларга мунособати, уларнинг ижтимоий фаоллиги бирмунча паст бўлиб, бунга асосий сабаб сифатида президент сайловларининг маҳаллий ОАВ орқали етарлича ёритилмаганлиги кўрсатилади. Америкадаги фуқаролик журналистика феномени Россияга Э.Д.Миллернинг рус тилига таржима қилинган «Шарлоттский проект. Как помочь гражданам взять демократию в свои руки» номли китоби билан маълумдир⁷.

Ф.ф.н. О.А.Евтуш ўзининг 2006 йилги илмий ишида «Россияда фуқаролик журналистикасига қизиқиш олимлар ва журналистлар ўртасида сўнги ўн йиликда юзага келди» – деб ёзади. «Буни фуқаролик журналистика муаммолари ҳар йили мамлакатда ва маҳаллий анжуманларда муҳокама этилишидан, Россиянинг барча регионларида аниқ экспериментдан маҳаллий рус

⁴ Бегниязова Қ. Қорақалпоғистон интернет журналистикасидаги оммавий коммуникативлик ҳамда коммуникацион жараёнларда хорижий тилларнинг аҳамияти ва ўрни. **Ўзбекистонда хорижий тиллар: www.journal.fledu.uz** илмий-методик электрон журнал. №4 (8). 2015. – Б. 159-164.

⁵ URL: <http://7bloggers.ru/kogda-zhe-poyavilsya-pervyj-blog> (Силтеме алынган сәне: 09.01.2021).

⁶ URL: <https://kkreporter.wordpress.com> (Силтеме алынган сәне: 09.01.2021).

⁷ Хлебникова Н.В. Общественные инициативы в медиапространстве гражданской журналистики. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: 2011. – С. 5.





нашриётларининг кундалик амалиётига олиб борадиган профессионал журналистика институтларининг пайдо бўлишидан, шунингдек, «Гражданская журналистика» номли махсус нашриётнинг ташкиллаштирилганлигидан билиш мумкин»⁸.

Африка материгидаги мамлакатларда фуқаролик журналистикасининг аниқ кўзга ташланишига сабаб бўлган воқеа Мисрдаги араблар кўзғолони ҳисобланади. 2011 йилнинг бошларида араблар кўзғолони бошланиб, фуқаролар шу аймақдаги илдири теранга томир ейган амалдорларни лавозимидан бўшатишга ҳаракат қилишди. Бу ҳақида С.С. Radsch ўзининг «Cyberactivism and Citizen Journalism in Egypt: Digital Dissidence and Political Change» номли китобида тўхталиб, Мисрли блогерлар ҳукуматнинг ахборот монополиясини тўхтатиш ва авторитар режим, унинг фуқаролари ўртасидаги динамикани ўзгартириш учун фуқаролик журналистикаси ва киберактивизмдан қандай фойдаланганлиги ҳақида айтиб ўтган⁹.

Нигерияда фуқаролик журналистикасининг юзага келиши 2004 йилларга тўғри келади. Бу ҳақида S.Dare шундай ёзади: «Нигерия фуқаролик журналистикасида Nairaland.com сайти катта янгилик бўлди. Бу Нигерия форумига 2004 йили Seun Osewa томонидан асос солинган ва Нигерия валютаси («the naira») ҳурматига шундай номланган. Бугунги кунда 60 миллионга яқин нигериялик аудиторияга эга бўлиб, ундан 36 000 дан зиёд одам рўйхатдан ўтган, 10 000 дан зиёд бир кунлик кўрувчиларига эга бўлган биринчи сонли онлайн-хабарнома». Дастлабки фуқаролик форумдан сўнг Нигерияда фуқаролик журналистларнинг сайти яратилди¹⁰.

XX асрнинг охирида анъанавий журналистикада фуқаролик журналистикасига асос солинган бўлса, Интернетнинг юзага келиши билан унинг усуллари ва тарқатилиш каналлари қайта шаклланди.

Биз, ахборот тарқатиш усуллари ва каналларига мувофиқ, фуқаролик журналистикасини иккига бўлишни маъқул деб ҳисобладик:

1) Анъанавий фуқаролик журналистикаси;

⁸ Евтуш О.А. Региональная пресса в современном политическом процессе (на примере Сибири). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Кемерово: 2006. – С. 22.

⁹ Қараңыз: Radsch С.С. Cyberactivism and Citizen Journalism in Egypt: Digital Dissidence and Political Change // UK: [Palgrave MacMillan](#). – Washington: USA. 2016.

¹⁰ Dare S. The Rise of Citizen Journalism in Nigeria – A Case Study of Sahara Reporters. Michaelmas.Hilary Terms 2010/11. – P. 22.





2) Онлайн фуқаролик журналистикаси.

Анъанавий фуқаролик журналистикасига газета, радио ва телевидение аудиториясининг фаол вакиллари томонидан тайёрланган материалларни киритиш мумкин.

Қорақалпоғистонда фуқаролик журналистикасининг интернетдаги кўриниши (онлайн фуқаролик журналистикаси) дастлаб 2009 йилларда шакллана бошлаган бўлса (чунки, қорақалпоқ тилидаги илк блог шу йилда яратилган), бундан кейин фуқаролик журналистларнинг блоглари шунингдек, ижтимоий тармоқларда таҳлил қилишга арзирлик ташаббуслар кўтарилди. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистонда назарий жиҳатдан шаклланиши, амалий кўринишларининг ривожланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда, онлайн фуқаролик журналистиканинг ривожланишини кўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. 2009-2012 йиллар – Қорақалпоғистонда онлайн фуқаролик журналистикасининг шаклланиш босқичи;
2. 2013-2018 – онлайн фуқаролик журналистикасининг дастлабки ривожланиш босқичи;
3. 2018 йилдан бугунги кунга қадар – онлайн фуқаролик журналистикасининг амалий қўлланилишининг такомиллашиш босқичи.

Қорақалпоқ тилидаги дастлабки <https://kkreporter.wordpress.com> блоги 2009 йили журналист Б.Тилеўмуратов томонидан яратилган. Демак, Қорақалпоғистонда онлайн фуқаролик журналистикасининг асосини солган профессионал журналист деб айтиш мумкин. Сабаби, Б.Тилеўмуратов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар таҳририятининг бўлим бошлиғи бўлган. Б.Тилеўмуратов блогпостларни қорақалпоқ тилида ёзиб, бир вақтнинг ўзида бир нечта блогларни янгилаб борган. Улар:

<http://kkreporter.livejournal.com>;

<http://kkreporter.blog.com>;

<http://kkblogger.ucoz.org>;

<https://kkreporter.wordpress.com>;

<http://kkreporter.hiblogger.net>.





2011 йилгача (журналист, блогер оламдан ўтгунга қадар) мунтазам янгилашиб борилган бу блогларда ўта долзарб, аҳамиятга молик муаммолар берилиб, улар онлайн фуқаролик журналистикасининг ривожланишига асос бўлди. Блогпостларнинг объективлиги, мазмуни, тили ва услубининг шаклланганлиги, шунингдек, мавзуларининг долзарблиги ва ҳар хиллиги интернет фойдаланувчиларини қизиқтира олди. Буни блогга турли давлат интернет фойдаланувчиларининг ёзган комментарийларидан ҳам билиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикасида демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий реформаларнинг натижаллиги ҳақидаги материаллари учун Б.Тилеўмуратов 2011 йили журналистика соҳасидаги энг катта соврун «Олтин қалам» VI Миллий мукофотига «Энг яхши журналистик материал учун» интернет-журналистика йўналишида 1-ўрин ғолиби бўлди¹¹.

Қорақалпоқ тилидаги иккинчи даражали доменге эга Aynaline.uml.com блоги 2010 йилда ишга тушди. Мазкур блог фуқаролик журналист, информатик-педагог Б.Калмуратовга тегишли бўлиб, унда асосан технология янгиликлари ёритилиб борилган. Вақт ўтиши билан блог ўз фаолиятини тўхтатди ва 2012 йили Б.Калмуратов томонидан яна бир www.megaline.uz блоги яратилди.

2013 йилдан бўён маҳаллий ҳолатда ёшлар ўртасида блог яратишга қизиқиш ортиб, блог яратиш ва блогпостларни ёзиш йўлга қўйилиб, блогларнинг сони кескин ортди. Бунга сабаб, 2013 йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети журналистика мутахассислиги талабалари Ф.Юсупов, Г.Сейтназарова, Ҳ.Нуржанованинг Журналистика кафедраси билан биргаликдаги «Ёш журналистлар клуби»нинг тузилиши, унда анъанавий журналистиканинг назарий билим ва амалий кўникмалари билан бирга интернет журналистикаси, блог яратиш ва блогпост ёзиш бўйича дарслар берилди. Бундай блогерлар ва блоглар сонининг кўпайиши жамоатчиликнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда журналистларга ёрдам беради.

2018 йилдан кейинги йиллар, яъни фуқаролик журналистикасининг назарий шаклланиши кўзга ташланди. Қорақалпоғистондаги ягона журналист кадрларни тайёрловчи олий таълим муассасаси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида фуқаролик журналистикасининг турли аспекtlари илмий

¹¹ URL: <https://journalist.uz/n/5411> (Силтеме алынган сәне: 09.01.2021).





томондан тадқиқ қилина бошланди. Мазкур йўналишда битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ёзилди, ўқув-услугий қўлланмалар¹² чоп этилди.

Фуқаролик журналистлар ўзларининг фикрларини билдиришда албатта, замонавий, қулай ахборот тарқатиш каналларидан унумли фойдаланади. Шунинг учун ҳам, уларнинг янгилик тарқатиш каналлари тез-тез ўзгаради. Давтлабки фуқаролик журналистлар блоглардан фойдаланган бўлса, кейинги босқичда, яъни 2018 йиллардан бошлаб блоглардан фойдаланиш ва уларни янгилаб бориш бироз эскириб, ахборот тарқатиш асосан ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширила бошлади. Натижада, фуқаролик журналистикасининг маҳаллий ҳолатда назарий асослари яратилиши билан бир қаторда ижтимоий тармоқлардаги фуқаролик журналистикаси асосий ўринга кўтарилди. Бу босқичда онлайн фуқаролик журналистикасининг вакиллари кенг жамоатчилик билан биргаликда «30 қала 30 тилек», «Эй элип...», «Мен бир мийўели терек» ва ҳ. бир қатор катта лойиҳаларни амалга оширди (Булар ҳақида ишимизнинг кейинги параграфларида тўхталиб ўтаемиз).

Демак, Қорақалпоғистонда онлайн фуқаролик журналистикасининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлариг қараб хусусиятларини таҳлил қилганимизда, 2009-2011 йиллар оралиғида блогларнинг сони кам бўлишига қарамастан, ундаги блогпостлар сон ва сифат жиҳатдан юқори даражада, контенти бой, тематикаси турлича мазмунда бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Иккинчи босқичда бўлса, «Жас журналистлар клуби» фаолиятининг натижасида блогларнинг сони бирмунча ортди, аммо, блогпостларнинг сони етарли даражада кўпаймади, уларнинг тематикаси ҳам бир-бирига яқин бўлди. Буни биринчи босқичда блогларнинг профессионал журналистлар томонидан юритилиб, иккинчи босқичда, профессионал бўлмаган муаллифларнинг фаолияти билан боғлаш мумкин. Учинчи босқичда бўлса, блоглар ўзларининг фаолиятини тўхтатиб, фақат онлайн архив вазифасини бажармоқда. Шунинг билан бир қаторда бу босқичда фуқаролик журналистлар ижтимоий тармоқлар ва мессенджерлар орқали ҳаракат қилиб, ижтимоий ташаббусларни,

¹² Оразымбетова З.К., Есемуратова С.А. Глобаласяў дэўиринде социаллык тармақлардын хызмети. – Ташкент: 2016; Есемуратова С.А. Информациалық жэмийетте пуқаралық журналистиканың роли. – Ташкент: Qaqnus media, 2020.





медиа-лойиҳаларни амалга ошириб, уларнинг жамиятдаги ўрни бирмунча мустаҳкамланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегниязова Қ. Қорақалпоғистон интернет журналистикасидаги оммавий коммуникативлик ҳамда коммуникацион жараёнларда хорижий тилларнинг аҳамияти ва ўрни. **Ўзбекистонда хорижий тиллар: www.journal.fledu.uz илмий-методик электрон журнал. №4 (8). 2015. – Б. 159-164.**
2. Евтуш О.А. Региональная пресса в современном политическом процессе (на примере Сибири). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Кемерово: 2006. – С. 22.
3. Есемуратова С.А. Информационная жәмийетте пуқаралық журналистиканың роли. – Ташкент: Qaqpus media, 2020.
4. Карякина К.А. Актуальные формы и типологические модели новых медиа // Вестник МГУ. Сер. 10. Журналистика. 2010. № 3. – С. 129.
5. Тарасенко П.Н. Особенности и специфика функционирования интернет-СМИ Испании на современном этапе. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: 2013. – С. 3.
6. Хлебникова Н.В. Общественные инициативы в медиапространстве гражданской журналистики. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва: 2011. – С. 5.
7. Dare S. The Rise of Citizen Journalism in Nigeria – A Case Study of Sahara Reporters. Michaelmas.Hilary Terms 2010/11. – P. 22.
8. Radsch C.C. Cyberactivism and Citizen Journalism in Egypt: Digital Dissidence and Political Change // UK: Palgrave MacMillan. – Washington: USA. 2016.
9. Оразымбетова З.Қ., Есемуратова С.А. Глобалласыў дәўиринде социаллық тармақлардың хызмети. – Ташкент: 2016;

Интернет манбалар:

1. URL:http://old.mitc.uz/uz/press_center/history_communications/1008. (Силтеме алынған сәне: 21.12.2020).
2. URL: <http://7bloggers.ru/kogda-zhe-poyavilsya-pervyj-blog> (Силтеме алынған сәне: 09.01.2021).
3. URL: <https://kkreporter.wordpress.com> (Силтеме алынған сәне: 09.01.2021).
4. URL: <https://journalist.uz/n/5411> (Силтеме алынған сәне: 09.01.2021).

